

Таиландда Ислом ва ҳалол иқтисодиёт халқаро анжумани ўтказилди



17:24 / 03 май 535

Бугун, 3 май куни Таиланд Ислом марказида Ислом ва ҳалол иқтисодиёти халқаро анжумани ўтказилди. Ушбу анжуман шайхул ислом идораси ва Таиланд ислом банки ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда Бруней, Индонезия, Малайзия ва бошқа мамлакатлардан меҳмонлар ташриф буюриб, иштирок этишди. Тадбирда Таиланд парламенти спикери Ван Нур Муҳаммад Матҳа, Таиланддаги шайхул ислом Арун Бончом ва бошқалар маъруза қилди.

Тадбир маҳаллий вақт билан соат 9:30 дан 18:00 гача Таиланд пойтахти «Бангкок»даги «Инҳеритансе» меҳмонхонасида бўлиб ўтди.

Анжуманда Таиланднинг бир қатор хусусий ва давлат муассасаларнинг Жануби-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциациясига (АСЕАН) аъзо давлатлар билан ҳамкорлик қилиш масаласи кўриб чиқилди.